

Қувноқ эстафета

Спорт мусобақаларисиз ҳаётимизни тасаввур этолмаганимиздек, “Ёшлар ҳафталиги” ҳам турли хил спорт ўйинларига бой бўлди. 18-ноябрь якшанба куни бўлишига қарамай, институтимиз спорт комплекси талабалар билан гавжум бўлди. Барча факультетлар талабалари ўртасида ўтказилган “ҚУВНОҚ ЭСТАФЕТА” қуйидагича кўрсаткичларни тақдим этди:

3- ўрин “Ер ресурсларини бошқариш” факультети жамоасига, 2- ўрин “Гидромелиорация ишларини механизациялаш” факультети жамоасига насиб этган бўлса, биринчи ўринга “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети жамоаси мушарраф бўлишди.

Ғолиблар ҳафталик тадбир натижаларига қараб институт раҳбарияти ва Ёшлар иттифоқи ҳамда институт касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишди.



Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов